

Абулкасимов Хасан Пирназарович,
иқтисодиёт фанлари доктори, Мирзо Улуғбек
номидаги Ўзбекистон Миллий университети
профессори

ЎЗБЕКИСТОНДА ИҚТИСОДИЁТНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ ЙЎЛИГА ЎТИШНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛЛАРИ

УДК: 339.92; 001.895
ББК: 65.5 (5УЗБ)

АБУЛҚОСИМОВ Ҳ.П. ЎЗБЕКИСТОНДА ИҚТИСОДИЁТНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ ЙЎЛИГА ЎТИШНИ ТАЪМИНЛАШ ОМИЛЛАРИ

Мақолада Ўзбекистон иқтисодиётини инновацион ривожланиш йўлига ўтказиш жараёнлари ва бу борада амалга оширилаётган чора-тадбирлар таҳлил қилиниб, муаммолар аниқланган ҳамда уларни ҳал этиш йўллари бўйича таклифлар ва амалий тавсиялар берилган.

Таянч иборалар: иқтисодиёт, инновация, инновацион фаолият, инновацион ривожланиш, инновацион иқтисодиёт, илмий тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишланмалари.

АБУЛКАСИМОВ Х.П. ФАКТОРЫ ОБЕСПЕЧЕНИЯ ПЕРЕХОДА ЭКОНОМИКИ УЗБЕКИСТАНА НА ПУТИ ИННОВАЦИОННОГО РАЗВИТИЯ

В статье анализированы процессы и осуществляемые меры по переходу экономики Узбекистана на пути инновационного развития, определены проблемы, а также даны предложения и рекомендации по их решению.

Ключевые слова: экономика, инновация, инновационная деятельность, инновационное развитие, инновационная экономика, научно исследовательские, опытно-конструкторские разработки.

ABULQOSIMOV H.P. FACTORS IN ENSURING THE TRANSITION OF THE ECONOMY OF UZBEKISTAN TO THE PATH OF INNOVATIVE DEVELOPMENT

In the article is analyzed the process of transition of the Uzbek economy to the path of innovative development and the measures taken in this direction, identified problems and offered suggestions and practical recommendations of these solution.

Key words: economy, innovation, innovative activity, innovative development, innovative economy, scientific research and experimental developments.

Кириш.

Ҳозирги замонда иқтисодий тараққиётни таъминлашнинг асосий шарти уни инновацион ривожлантириш ҳисобланади. Шунинг учун кўплаб мамлакатлар, шу жумладан, Ўзбекистон ҳам, ўз иқтисодиётларини инновацион ривожланиш йўлига ўтказишни мақсад қилиб қўйганлар. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев “Иқтисодиётда янги натижа ва ютуқларга, миллий рақобатбардошликни оширишга эришиш учун инновацияларни кенг миқёсда жорий этиш зарур. **Янги Ўзбекистоннинг иқтисодий стратегияси 2030 йилга қадар глобал инновацион индекс рейтингда дунёнинг 50 етакчи давлати қаторига кириш ва бу улкан мақсадга эришишда инсон капитални ривожлантиришни назарда тутати**”¹, - деб таъкидлаган. Шунинг учун ҳам иқтисодиётни инновацион ривожлантириш йўлига ўтказиш муаммоларини тадқиқ этиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.

Инновацион ривожланиш ва уни амалга ошириш сиёсати назариясини тадқиқ этиш XX асрнинг 70-80-йилларидан бошлаб кучайди. Инновацион ривожланиш назариясининг яратилишида Аудкуеч Д.Б., Фельдман М.П., Кантвел Дж., Ямарино С., Фурман Дж.Л., Портер М.Е., Стерн С., Сонн Дж.В., Стоппер М. каби олимларнинг ишлари муҳим роль ўйнади. Мазкур мавзу бўйича МДХ мамлакатларида В.М. Анищик, А.В.Русецкий, Н.К.Толочко, А.Г. Кирьяков, В.А. Максимов, Д.Степаненко, В.И. Винокуров, А.М.Фоломьева ва бошқаларнинг илмий ишлари эътиборга сазовордир. Уларнинг ишларида инновацион ривожланиш ва инновацион сиёсатнинг моҳияти ҳамда уларни амалга ошириш механизмлари ўрганилган.

Ўзбекистонда инновацион ривожланишга ўтиш масалалари С.С.Фуломов, А.В.Вахабов, Х.П. Абулкасимов, Т.С. Расулов², Р.Г. Абдуллаева, А.А. Амбарцумян, А.В.Ефимова, И.В. Зенькова, Д.М.Каримов,

Н.Г.Муминов, Н.К. Муҳиддинова³ ва бошқаларнинг илмий ишларида тадқиқ этилган.

Аммо ушбу мавзу бўйича кўплаб илмий ишлар нашр этилганига қарамасдан миллий иқтисодиётни инновацион ривожланишга ўтказиш билан боғлиқ кўплаб назарий ва амалий тавсифдаги масалалар очиқлигича қолмоқда. Шунинг учун инновацияларни иқтисодиётга кенг жорий этиш масалаларига бағишланган тадқиқот мавзулари долзарб аҳамиятга эга бўлиб қолмоқда.

Тадқиқот мақсади миллий иқтисодиётни инновацион ривожланиш йўлига ўтказиш йўналишлари бўйича илмий таклиф ва амалий тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот объекти сифатида Ўзбекистон Республикаси миллий иқтисодиёти ўрганилган.

Тадқиқот предмети сифатида миллий иқтисодиётга инновацияларни жорий этиш жараёнида юзага келадиган иқтисодий ва ижтимоий муносабатлар тадқиқ этилган.

Тадқиқот методларини илмий абстракция, анализ ва синтез, сифат ва миқдорий таҳлил усуллари, қиёсий ва иқтисодий –статистик методлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг асосий натижалари.

Маълумки, ҳар қандай соҳанинг ривожини унинг ҳуқуқий-норматив базасининг ривожланганлигига боғлиқдир. Сўнги йилларда, Ўзбекистонда инновацион фаолиятни ривожлантириш борасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 майдаги “Фаол тадбиркорлик ва инновацион фаолиятни ривожлантириш учун шартшароитларни яратиш бўйича қўшимча чоратадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3697-сонли Қарори, 2018 йил 21 сентябрдаги “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сон Фармони, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизimini 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-Фармони, 2020 йил 29 октябрдаги “Илм-фанни 2030 йил-

¹ Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. - Т.: “Ўзбекистон”, 2021. - 134-бет.

² Абулкасимов Х.П., Расулов Т.С. Особенности научно-технической и инновационной политики стран СНГ, Ближнего и Среднего Востока.-Т., Изд. ТГИВ, 2017.-380с.

³ Совершенствование инновационного развития национальной экономики в условиях глобализации. Абдуллаева Р.Г., Абулкасимов Х.П., Амбарцумян А.А., Аранжин В.В., Ваганова О.В., Вдовиченко Л.Ю., Герман М.В., Ефимова А.В., Зенькова И.В., Зохилова Г.М., Ильина Т.Г., Ишук Т.Л., Каз Е.М., Каз М.С., Каримов Д.М., Ким Т.В., Клысяк М.Д., Ключа В.Л., Королькова Д.И., Костюченко Е.А. и др.. Монография. Т.: «Университет», 2021. 700 с.

1-жадвал. Илмий ишларнинг турлари бўйича илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмалари¹

	2010 й.	2016 й.	2017 й.	2018 й.	2019 й.
Илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмаларни бажарган ташкилотлар сони, бирлик	301	437	389	668	304
Шу жумладан:					
Илмий тадқиқот ишлари	237	313	284	456	195
Улардан фундаментал	111	133	118	188	113
Лойиҳа-конструкторлик ишлари	25	31	31	54	28
Тажриба нусха-намуналар, партиялар, буюмлар (маҳсулотлар) тайёрлаш	13	20	19	33	16
Қурилиш учун лойиҳа ишлари	4	10	8	33	6
Илмий-техник хизматлар	63	143	118	219	126

2-жадвал. ИТТКИ билан банд бўлган ходимлар сони, минг киши²

Ходимлар	2010 й.	2016 й.	2017 й.	2018 й.	2019 й.
Жами	35,6	37	36,8	37,2	31,1
Шу жумладан:					
тадқиқотчилар	30	32	31,9	32,1	26,3
техниклар	1,8	2	1,5	1,6	1,5
ёрдамчи персонал	1,9	1,7	2	1,9	1,7
бошқа персонал	1,9	1,3	1,4	1,6	1,6
Улардан олий маълумотга эга бўлганлар					
Жами	30,9	33,4	33,4	33,5	27,8
Шу жумладан:					
тадқиқотчилар	29,5	31,7	31,6	31,7	25,8
техниклар	0,3	0,6	0,4	0,4	0,4
ёрдамчи персонал	0,7	0,6	0,4	0,4	0,4
бошқа персонал	0,4	0,3	0,5	0,6	0,9

гача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” ги ПФ-6097-сон Фармони ва бошқа меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди.

Ўзбекистонда ИТТКИ (илмий-тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишлари)ни олиб борувчи асосий ташкилот Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси бўлса, илм-фан, инновацион соҳа ривожланишини қўллаб-қувватловчи ва назорат қилувчи давлат органлари ва ташкилот-

ларига Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигини киритиш мумкин. Инновацион ривожланиш вазирлиги Ўзбекистон Республикасини инновацион ва илмий-техник ривожлантириш соҳасида жамият ва давлат ҳаётини ҳар томонлама ривожлантиришга, мамлакатнинг интеллектуал ва технологик салоҳиятини оширишга қаратилган ягона давлат сиёсатини амалга оширувчи давлат бошқаруви органи ҳисобланади.

Мамлакатимизда илмий-тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишланмаларини бажарган ташкилотлар сони 2000 йилда 418 тани, 2010 йилда 301 тани, 2018 йилда 668 тани ташкил этган бўлса, 2019 йилда уларнинг сони кескин камайиб, 304 тани ташкил этди (қаранг: 1-жадвал).

¹ Ilmiy ishlarning turlari bo'yicha ilmiy tadqiqot va tajriba-konstruktorlik ishlanmalari// http://web.stat.uz/open_data/uz/16.12%20Scientific-research%20development_uzb.pdf маълумотлари асосида тузилди.

² Ilmiy tadqiqot va tajriba-konstruktorlik ishlanmalar bilan band bo'lgan xodimlar soni// http://web.stat.uz/open_data/uz/16.12%20Scientific-research%20development_uzb.pdf маълумотлари асосида тузилди.

3-жадвал. Бажарилган илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмалари ҳажми, млн. сўм¹

	2010 й.	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2019 йилда 2010 йилга нисба-тан, %
Бажарилган илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмалари ҳажми, жами	127992,0	449905,4	680038,0	853404,0	6,7 м
Шу жумладан:					
Илмий тадқиқот ишлари	86130,5	300254,5	336482,5	535208,9	6,2 м
Улардан фундаментал	15399,0	82276,3	89254,2	162804,0	10,5 м
Лойиҳа-конструкторлик ишлари	5988,2	36888,4	38714,0	97641,2	16,3 м
Тажриба нусха-намуналар, партиялар, буюмлар (маҳсулотлар) тайёрлаш	771,9	4025,6	7677,9	6318,8	8,1 м
Қурилиш учун лойиҳа ишлари	15401,7	31166,0	77687,2	54628,9	3,5 м
Илмий-техник хизматлар	19700,1	77570,9	221205,1	160512,1	8,1 м

Ушбу жаҳвал маълумотларидан кўриниб турибдики, ИТТКИ бажарган ташкилотлар сони, илмий ишларнинг барча турлари бўйича 2019 йилдан бошлаб пасайиш тенденциясига эга. Шунингдек, илмий тадқиқот ишларини бажарган ташкилотларнинг кўпчилиги фундаментал тадқиқотлар билан шуғулланмоқдалар.

ИТТКИ билан банд бўлганлар сони 2010 йилда 35,6 минг кишидан 2018 йилда 37,2 минг кишига ўсган бўлса, 2019 йилда уларнинг сони 31,1 минг кишигача камайди. Шунга мос равишда тадқиқотчилар сони 30; 32,1; 26,3 минг кишини ташкил этди (қаранг: 2-жаҳвал).

ИТТКИ билан банд ходимлар умумий сонида олий маълумотлилар улуши 2010 йилдаги 86,8%дан 2019 йилда 89,4%га ўсди. Тадқиқотчилар умумий сонида олий маълумотлилар улуши шу даврда 98,3%дан 98,1%га пасайди. Техник ходимлар сонида олий маълумотлилар улуши 2010 йилда 16,7%дан 2019 йилда 26,7%га ошди. Шунга мос равишда ёрдамчи персонал умумий сонида олий маълумотлилар улуши 36,8%дан 23,5%га камайди.

2010-2019 йилларда бажарилган илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмалари ҳажми 6,7 мартага, шу жумладан, илмий тадқиқот ишлари 6,2 мартага, лойиҳа-конструкторлик ишлари 16,3 мартага, Тажриба нусха-намуналар, партиялар, буюмлар

(маҳсулотлар) тайёрлаш ҳажми 8,1 мартага ошди (қаранг: 3-жаҳвал).

Жаҳвал маълумотларидан кўриниб турибдики, бажарилган илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмалари барча турларининг ҳажми таҳлил даврида ошган. Аммо 2019 йилда 2018 йилга нисбатан тажриба нусха-намуналар, партиялар, буюмлар (маҳсулотлар) тайёрлаш ҳажми 17,3%га, қурилиш учун лойиҳа ишлари 29,7%га, илмий-техник хизматлар ҳажми 27,5%га камайган.

Таъкидлаш лозимки, кейинги йилларда инновацияларни жорий қилган корхона ва ташкилотлар сони ва жорий қилинган инновациялар сони ошиб бормоқда. Жумладан технологик инновацияларни жорий қилган корхоналар 2010-2019 йилларда 10,4 мартага, 2017-2019 йилларда эса 155,3%га, шунга мос равишда маркетинг инновацияларини жорий қилганлар 28 мартага ва 127,3%га, ташкилий инновацияларни жорий қилганлар 15 мартага ва 173,1%га ошди. Жорий қилинган технологик инновациялар сони 2019 йилда 2010 йилга 9,6 мартага, маркетинг инновациялари 4 мартага, ташкилий инновациялар 22,3 мартага ошди (қаранг: 4-жаҳвал).

Таҳлилларга кўра Ўзбекистонда ИТТКИ га харажатларнинг ЯИМдаги улуши 2012 йилга нисбатан бирмунча пастдир. Аммо 2020 йилда 2019 йилга нисбатан бу кўрсаткич ошиш тенденциясига эга бўлди. ИТТКИни бажарган ходимларнинг жами иш билан банд аҳолига нисбатан улуши 2012-2019 йилларда пасайиш тенденциясига эга бўлиб,

¹ Ilmiy ishlarning turlari bo'yicha ilmiy tadqiqot va tajriba-konstruktorlik ishanmalari// <http://stat.uz> маълумотлари асосида тузилди.

4-жадвал. Корхона ва ташкилотларнинг инновацион фаолияти¹

	2010 й.	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2019 йил 2010 йилга нисбатан, %	2019 йил 2017 йилга нисбатан, %
Инновацияларни жорий қилган корхона ва ташкилотлар сони:						
технологик	145	975	982	1514	1044,1	155,3
маркетинг	1	22	17	28	2800	127,3
ташкилий	3	26	25	45	1500	173,1
Жорий қилинган инновациялар сони:						
технологик	462	1946	2482	4427	958	227,5
маркетинг	32	62	42	128	400	206,4
ташкилий	6	38	34	134	2233,3	352,6
Ишлаб чиқарилган инновацион маҳсулотлар (товарлар, ишлар ва хизматлар) ҳажми, млрд. сўм	1849	18543,3	28871,5	26811,4	1450	144,6
Инновацияларга қилинган харажатлар, млрд. сўм	264,4	4162,3	4707,2	6603,5	2497,5	158,6

5-жадвал. Ўзбекистонда ИТТКИга харажатлар ва юқори технологияли, илм талаб тармоқлар маҳсулотларини ишлаб чиқариш кўрсаткичлари²

Кўрсаткичлар	2012 й.	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.
ИТТКИга харажатлар (ЯИМга нисбатан фоизда)	0,16	0,15	0,12	0,11	0,14
ИТТКИни бажарган ходимлар (жами иш билан банд аҳолига нисбатан фоизда)	0,0832	0,0744	0,0720	0,0701	0,0734
Иқтисодиётнинг юқори технологияли ва илм талаб тармоқ маҳсулотларининг ЯИМ даги улуши (фоизда)	18,1	18,8	19,3	21,1	22,8
Жами экспортда юқори технологик маҳсулотлар улуши (фоизда)	2,7	1,7	1,7	1,7	2

2020 йилда 2019 йилга нисбатан бирмунча ўсди (қаранг: 5-жадвал).¹²

Иқтисодиётнинг юқори технологияли ва илм талаб тармоқ маҳсулотларининг ЯИМ даги улуши 2012 йилдаги 18,1%дан 2020 йилда 22,8%га ўсди. Аммо уларнинг экспорт ҳажмидаги улуши 2012

йилдаги 2,7%дан 2019 йилда 1,7%га камайиб, 2020 йилда 2%ни ташкил этди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрдаги “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сон Фармони билан тасдиқланган “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегияси”да Ўзбекистон Республикасининг 2030 йилга бориб Глобал инновацион индекс рейтингини бўйича

¹ Korxona va tashkilotlarning innovatsion faoliyati// <http://stat.uz> маълумотлари асосида тузилди.

² Хасанхонова Н.И. Ўзбекистонда билимлар иқтисодиётининг концептуал асосларини ривожлантириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати.-Т., 2021.-20-бет маълумотлари асосида тузилди.

жаҳоннинг 50 илғор мамлакати қаторига киришига эришиш мақсади қўйилган¹.

Аммо, инновацияларнинг мамлакатимиз иқтисодиётининг рақобатбардошлигини белгилаб берувчи муҳим омилларга айланиши бора-сида бир қанча муаммолар мавжуддир. Уларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- илмий тадқиқот ва конструкторлик ишларини молиялаштириш ва технологик ишланмаларга харажатларнинг етарли даражада эмаслиги. Дунёнинг ривожланган мамлакатларидан АҚШ, Германия, Финландияда мамлакат ЯИМнинг 2,8-2,9 фоизи, Исроилда 4,3 фоизи, Японияда 3,4 фоизи, ривожланаётган мамлакатлардан Корея Республикасида 4,2 фоизи, Хитойда 2 фоизи, Россияда 1,1 фоизи ИТТКИ га йўналтирилади². Ўзбекистонда бу 2030-йилга келиб 1,1 фоизга чиқиши прогнози қилинган;

- инновацион фаолиятнинг асосан давлат бюджети томонидан молиялаштирилиши ва хусусий сектор улушининг пастлиги. Жаҳон тажрибасига қарайдиган бўлсак, Японияда ИТТКИ га сарфланган умумий харажатларнинг 77,8 фоизи бизнес вакиллари томонидан молиялаштирилган бўлса, Хитойда бу кўрсаткич 74,7 фоиз, Корея Республикасида 74,5 фоиз, БАА да 74,2 фоиз, Германияда 65,8 фоиз, АҚШ да 64,1 фоизга тенг. Яъни ИТТКИ нинг асосий қисми давлат бюджети томонидан эмас, балки хусусий сектор томонидан молиялаштирилади³.

- таълим, фан ва саноат ишлаб чиқариш ҳамкорлигининг паст даражада эканлиги. Глобал Инновацион Индекс 2017 га кўра, АҚШ, Исроил, Швеция, Германия, Малайзия каби мамлакатларда олий таълим ва ишлаб чиқариш ўртасида юқори даражадаги ҳамкорлик ўрнатилган бўлса (7 баллдан 5 баллдан юқори натижани), қўшни Тожикистон ва Қозоғистон ҳам бу кўрсаткич бўйича яхши натижага эришганлар (7 баллдан 4,3

ва 3,4 баллни қайд этганлар)⁴. Афсуски, ГИИ 2017 га Ўзбекистон киритилмаган бўлиб, фақатгина баъзи масалаларда тилга олинган⁵;

- ИТТКИ, таълим, соғлиқни сақлаш соҳасида ойлик маош ҳажмининг етарли даражада юқори эмаслиги ва ёш мутахассисларнинг хорижга чиқиш кетиши (“ақл оқиб ўтиши”);

- юқори малакали кадрлар етишмаслиги, таълим тизимидаги комплекс муаммоларнинг мавжудлиги, олий таълим билан қамраб олиниш даражасининг пастлиги (2018-йилда 9,6 фоиз⁶, ҳозирда эса 29 фоиз) ва бошқалар.

Иқтисодиётни инновацион тараққиёт йўлига ўтказишда илм-фанни ривожлантириш муҳим аҳамиятга эгадир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 октябрдаги “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6097-сон Фармони билан тасдиқланган Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида қуйидаги мақсадлар белгиланган:

- 2025 йилга қадар илм-фанга йўналтириладиган жами маблағларнинг ялпи ички маҳсулотга нисбатан улушини 6 бараварга, 2030 йилгача эса 10 бараварга ошириш;

- 2025 йилга қадар илм-фанни умумий молиялаштириш ҳажмида илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларига хусусий сектор томонидан ажратиладиган маблағлар улушини амалдаги 8 фоиздан 20 фоизга, 2030 йилгача эса 30 фоизга етказиш;

- инновацион ишланмалар ва стартап лойиҳаларни молиялаштириш мақсадида хорижий етакчи инвестиция компаниялари билан ҳамкорликда 2021 йилда 2 та, 2025 йилда 10 та венчур жамғармаларини ташкил қилиш;

- илмий ташкилотлар тадқиқотчиларининг ўртача ёшини 2025 йилга қадар 45 га, 2030 йилгача эса 39 га тушириш;

- 2025 йилга қадар 39 ёшгача бўлган тадқиқотчиларнинг умумий сонидан юқори малакали илмий ходимларнинг (фан номзоди, фалсафа

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрдаги “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сон Фармони.

² Cornell University, INSEAD, and WIPO. The Global Innovation Index 2017: Innovation Feeding the World. Ithaca, Fontainebleau, and Geneva, 2017. – P.336.

³ Cornell University, INSEAD, and WIPO. The Global Innovation Index 2017: Innovation Feeding the World. Ithaca, Fontainebleau, and Geneva, 2017. – P.361.

⁴ O`sha manba. – P.363.

⁵ GI 2017 da Ozbekiston faqatgina qishloq xo`jaligi dunyoda yetakchi 5 mamlakat (Efiyopiya, Kambodja, Ventam, Albiya qatorida) ekanligi ta`kidlab o`tilgan.

⁶ Ботир Кобиров (Эксперт совета «Буюк келажак», исследователь Гарвардской школы бизнеса). Дефицитное высшее образование. <https://www.gazeta.uz/ru/2018/05/28/education/>

ва фан докторлари) улушини 2 бараварга, 2030 йилгача эса 3 бараварга ошириш;

– 2025 йилга қадар илмий-тадқиқот ва ишланмалар соҳасидаги технологик инновацияларга харажатларнинг умумий ҳажмида ташкилотнинг ўз кучи билан бажарилган технологик инновацияларга харажатларнинг улушини 3,5 бараварга, 2030 йилгача эса 9 бараварга ошириш ва бошқалар¹.

Шундай қилиб айтиш мумкинки, бугунги кунда Ўзбекистонда инновацион фаолиятни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ривожлантириш, илм-фан ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш, фан-таълим-ишлаб чиқариш интеграциясини йўлга қўйишга катта эътибор берилмоқда ва кўплаб ислохотлар, йирик лойиҳа ва дастурлар амалга оширилмоқда. Аммо, шу билан бирга таъкидлаш лозимки, бу жараён бир неча йилда зудлик билан амалга ошадиган жараён эмас ва узоқ муддатни талаб этади. Ҳозирги босқичда эса мавжуд муаммоларни ўз вақтида аниқлаш ва уларни ҳал қилишга қаратилган чуқур ўйланган, комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш лозим.

Хулоса ва таклифлар.

Ўзбекистонда инновацион фаолият ривожланишини таъминлашда қуйидагиларга эътибор қаратиш лозим деб ҳисоблаймиз:

- инновацион хавфсизликни таъминлашнинг ҳуқуқий базасини мустақамлаш;
- иқтисодий модернизацيا қилиш, илмий-техник потенциални ошириш учун илм-фанни ривожлантириш, ИТТКИ харажатларини ошириш;
- илмий ходимларни, тадқиқотчиларни рағбатлантириш;
- инновацион хавфсизлик соҳасида тенг ҳуқуқли, ўзаро манфаатли ҳамкорликни амалга ошириш;
- иқтисодий тизимни унинг янада ўсишини рағбатлантириш учун етарли бўлган миқдордаги молиявий инвестициялар билан таъминлаш;
- йўналтирилаётган инвестицияларнинг тармоқ ва минтақавий таркибини оптималлаштириш;

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 октябрдаги "Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида" ги ПФ-6097-сон Фармони // Халқ сўзи, 2020 йил 30 октябрь.

- режалаштирилган инвестиция жараёнларини энг самарали даражада амалга ошириш;
- инвестиция механизмлари ва институтларини янада ривожлантириш;
- Инновацион ва инвестицион лойиҳалаш тартибини ахборот ва таҳлилий жиҳатдан таъминлаш;
- ижтимоий-сиёсий ва умумий иқтисодий вазият ва уни ривожлантириш истиқболларини доимий таҳлил қилиш ва прогнозлаш;
- янги маҳсулотлар, хом ашё ва материаллар бозорларини ўрганиш ва уларнинг динамикасини башорат қилиш;
- амалга оширилаётган инвестиция лойиҳаларининг асосий параметрларини тармоқ ва компаниянинг ҳақиқий хусусиятларига мувофиқлигини таҳлил қилиш, лойиҳаларни амалга ошириш имкониятларини баҳолаш;
- инновацион фаолият жараёнида молиявий ҳолатни таҳлил қилиш ва прогнозлаш, молиявий оқимларни бошқариш. Бунинг учун молиявий оқимларни бошқариш учун молиявий ва моддий оқимларнинг хавфсизлигини таъминлайдиган инфратузилма ва логистика яратиш;
- шерикларнинг ишончлилигини баҳолаш ва жинойий тузилмалар таъсирига қарши кураш тизимини яратиш, йўналтирилаётган инвестицияларнинг манбаларини текшириш;
- хорижий инвестицияларни жалб қилиш асосида амалга оширилган иқтисодий фаолият ва ривожланишни баҳолаш учун зарур бўлган маълумотларни тўплаш, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш;
- иқтисодий сармоя киритмоқчи бўлган аниқ хорижий фирма ва компаниялар, шунингдек инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда иштирок этадиган субъектларнинг шериклари билан танишиш;
- хорижий инвестицияларнинг иқтисодийнинг ривожланишининг турли жиҳатларига салбий таъсирининг турли хил кўринишларини аниқлаш, уларнинг миллий манфаатларга мувофиқлигини текшириш;
- хорижий инвестициялар таъсири остида иқтисодий ривожланишнинг салбий тенденцияларининг олдини олиш ёки зарарсизлантириш бўйича зарур қарорлар қабул қилиш ва чоралар кўриш ва бошқалар.

Фойдаланилган адабиёт рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрдаги “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сон Фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-Фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 октябрдаги Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” ги ПФ-6097-сон Фармони.
4. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. - Т.: “Ўзбекистон”, 2021. - 134-бет.
5. Абулкасимов Х.П., Расулов Т.С. Особенности научно-технической и инновационной политики стран СНГ, Ближнего и Среднего Востока. - Т.: Изд-во ТГИВ, 2017.-380с.
6. Хасанхонова Н.И. Ўзбекистонда билимлар иқтисодиётининг концептуал асосларини ривожлантириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати.-Т., 2021.-20-бет.
7. Ботир Кобиров (Эксперт совета «Буюк келажак», исследователь Гарвардской школы бизнеса). Дефицитное высшее образование. <https://www.gazeta.uz/ru/2018/05/28/education/>
8. Cornell University, INSEAD, and WIPO. The Global Innovation Index 2017: Innovation Feeding the World. Ithaca, Fontainebleau, and Geneva, 2017. – P.336.
9. Korxon va tashkilotlarning innovatsion faoliyati// <http://stat.uz>
10. Совершенствование инновационного развития национальной экономики в условиях глобализации. Абдуллаева Р.Г., Абулкасимов Х.П., Амбарцумян А.А., Аранжин В.В., Ваганова О.В., Вдовиченко Л.Ю., Герман М.В., Ефимова А.В., Зенькова И.В., Зохинова Г.М., Ильина Т.Г., Ищук Т.Л., Каз Е.М., Каз М.С., Каримов Д.М., Ким Т.В., Клысяк М.Д., Ключня В.Л., Королькова Д.И., Костюченко Е.А. и др.. Монография. Т.: «Университет», 2021. 700 с.
11. Ilmiy ishlarning turlari bo'yicha ilmiy tadqiqot va tajriba-konstruktorlik ishlanmalari// <http://stat.uz>
12. http://www.uzscience.uz/uz/activities_04.html Fan va texnologiyalar agentligining xalqaro ilmiy-texnik hamkorlik doirasida olib borayotgan faoliyati haqida ma'lumot